КЎКЛАМ ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 60 (3542). | Шанба, 25 март 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

САВЗАВОТЧИЛАРГА ЯНГИ МАШИНАЛАР

Сабзавоткор хўжаликлар йил сайин янги техника олмоқдалар. Юбилей йилида областдаги кўпгина колхоз ва совхозларда картошка экадиган, қарам кўчати ўтқазадиган, пиёз сепадиган машиналар кўплаб ишлай бошлади. Булар сермеҳнат экиш ишларини тезлаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга сарф-харажатнинг камайишига олиб келмоқда.

Шу кунларда Оржоникидзе, Калинин, Ўрта Чирчиқ районларида 30 га яқин картошка экадиган машина ишлаб турибди. Бу картошка экишни бултургига қараганда қисқа муддатда ўтказилишида катта роль ўйнамоқда.

1967 йилда областимиздаги сабзавотчи колхозлар 6600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 116 центнердан яъни ўтган йилдагига қараганда 40 центнердан кўпроқ картошка олиш учун гайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Эртаги картошка экиш планини муваффақиятли бажарган Оржоникидзе районининг хўжаликлари шу кунларда бу экининг тўла униб чиқиши учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда Калинин районидаги хўжаликларда карам кўчати ўтқазадиган машина синаб кўрилди. Бу машинанинг ишидан деҳқонлар ғоят хурсанд бўлмоқдалар.

Юбилей йили дастурхонига кўплаб сабзавот, картошка ва полиз экинлари маҳсулоти ҳамда узум, мева етказиб беришга аҳд қилган деҳқонлар, сохибкорлар ўз сўзларининг устидан албатта чиқадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРРАНДАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари шонли 50 йилликни юксак меҳнатда зўр муваффақиятлар билан нишонлаш мақсадида шу кунларда зўр гайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Ойлик ва квартал планларининг оширибе бажарилаётганлиги ҳақида ҳар куни ғалаба рапортлари келиб турибди.

Республика паррандачилари ана шу умумхалқ социалистик мусобақасида олдинги сафларда бориб, тухум сотиш биринчи квартал топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Меҳнаткашларга 56 миллион дона тухум сотилди.

Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё областларининг паррандачилари пландан ташқари маҳсулот етказиб беришни қизғин давом эттирмоқдалар.

Паррандачилар берилган топшириқни ҳамма вақт ошириб адо этиш учун шу кунларда зарур бўлган барча тадбирларни тўла амалга ошираётирлар.

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

НОВ ҚИШЛОҒИ (Телефон орқали олинди). Янгийўл районидаги машҳур «Ленинизм» колхозининг далалари чигит экишга тайёр бўлиб турибди. Кеча бу ерга райониинг Янгийўл зонасидаги колхозларнинг бош агрономлари, бош инженерлари, энтмолог агрономлари, «Узсельхозтехника» район бўлимининг мутахассислари тўпландилар. Уларга уста механизатор, юқори ҳосилли звенонинг бошлиғи Эргаш Донибровнинг далаларни экишга тайёрлаш, чигит экишни қандай ўтказиш пайтидаги иши намойиш қилиб кўрсатилди.

Ўтган йили гектаридан 30 центнердан пахта олган ва машина билан 80 тонна пахта теришга эришган бу меҳнатсевар звено бошлиғи ўз аъзолари билан биргаликда астойдил меҳнат қилиб, юбилей йилида ҳам ерларни экишга сифатли тайёрлади ва кеча етилган ерларга танлаб чигит экишга киришди.

Унинг даласига келган меҳмонлар пахта ерлари ҳақиқатан ҳам экишбоп бўлиб етилганлигини қайд қилдилар ва тупроқ структураси шу жойлардагига ўхшаган далаларда чигит экишни бошлаб юбориш кераклигини таъкидладилар.

Эргаш Донибров звеносидан кейин колхознинг барча звеноларида ҳам экиш бошланиб кетди. Механизаторлар ва пахтакорлар мўл ҳосил етиштиришда муҳим омиллардан бири бўлган чигит экишни қисқа муддатда сифатли ўтказиш ва уни ернинг ўз намига тўла ундириб олиш тадбирларини кўрадилар. Звено бошлиғининг айтишига қараганда, бу йил гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштиради. Унинг ўзи 100 тонна пахтани машинада териб топширади.

Йигирма тўрт йилдан бери механизаторлик қилаётган ва ҳамма вақт ўз вазифасини муваффақиятли бажариб келаётган бу азаматнинг сўзи билан иши бир.

Янгийўл район пахтакорлари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги нишонланадиган тарихий йилда пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам юксалтириш учун барча тадбирларни амалга оширамиз, деб айтмоқдалар.

Суратда: Эргаш Донибров звеносида чигит экиш пайти.

А. Мальцев фотоси.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозида кўклам экишга ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Суратда: 6-бўлим далалари борона қилинмоқда.

А. Абалян фотоси.



ТЎЙГА ТЎЁНАМИЗ

Очиғини айтсам, илгарилари машинанинг шарофатини билмас эканмиз. Қарасак, қўшни хўжаликларда, бошқа районларда қатор-қатор машиналар гувиллаб ишлаб, пахтани бинойидай териб кетаяпти, планлар ҳам ана-мана дегунча бажарилаяпти. Бориб, уларнинг иши билан, тажрибаси билан танишдик. Ҳамма гап ғўзани машинабоп қилиб ўстириш-у, машинани пайкалга вақтида киритиб, намунали ишлатабилишда экан.

Бундок ўйлаб қарасак, биз илгарилари ғўзани говлатиб юборарканмиз ва ҳали пахтанинг чорак қисми ҳам очилмасданоқ машинани ишга туширарканмиз. Ҳосилнинг тўкилиши шундан экан. Деҳқонларимиз машинабоп ғўза ўстиришга дефолиацияни ўз вақтида, сифатли ўтказишга, пахтанинг асосий қисми қийғос очилганидан кейингина пайкалга машинани киритишга одатланиб қолганларидан буён ишимиз жуда ўнгидан келаяпти.

Мана қаранг, бундан тўрт-беш йилдан муқаддам ялпи ҳосилимизнинг атиги 15—20 проценти машиналар билан териб олинган бўлса, 1964—1965 йилларда 50 проценти, бултур эса 65 проценти териб олинди. Илгарилари пахта тайёрлаш планини 80—100 кунда аранг бажарадиган бўлсак, кейинги йилларда машинанинг шарофати туфайли икки-икки ярим баравар қисқа муддатда бажарадиган бўлиб қолдик. Ўтган йили деҳқонларимиз 35 кун деганда ғалаба рапорти беришга муваффақ бўлишди.

Звено системаси дала ишларимизга комплекс механизацияни жорий этишда жуда қўл келаяпти. Бўлимимиз звено системасига тўла ўтган 14 та звенонинг ҳаммасига ишни пухта биладиган механизаторлар бошчилик қилишяпти. Илгарилари бўлимимизнинг энг қолоқ участкаларни бўлиб келган ерларда ана шундай звенолар тузилгач, пахта ҳосилдорлиги йилдан йилга ошаяпти, машина 10 минг сўм миқдорида қўшимча мукофот берилди.

Мамарасул Кенжаев, Қулмуҳаммад Қурбонов сингари ўртоқлар бошлиқ комплекс механизациялашган звеноларнинг деҳқонлари ҳам ана шундай қувончли натижаларга эришиб, ҳаммамизнинг ҳурматимизга сазовор бўлишди.

Бўлимизда деҳқонлари Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллиги нишонланадиган бу йил катта марраларни кўзлашаяпти. Мавжуд 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 28 центнердан хирмон кўтаришга қатъий қарор қилдик. Бу — пландагидан 3 центнер кўп демакдир. Механизаторларимиз эса етиштириладиган ялпи ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга сўз бердилар.

Сўзни ҳамма ҳам бераверади. Аммо, далада чинакам меҳнат қиладиган деҳқонларгина унинг уддасидан чиқа олади. Бизнинг пахтакорларимиз ҳаммавақт ҳам сўз берганларидан кейин унинг устидан чиқиш учун бутун куч-ғайратларини ишга солиб меҳнат қиладилар. Октябрнинг шодиёна тўйини муносиб кутиб олиш учун олиб борилаётган умумхалқ социалистик мусобақаси уларга тағин ҳам катта куч ва ғайрат бағишламоқда.

Биз деҳқонлар Маракаев ва Сергеев ўртоқларнинг ажойиб ташаббусига қўшиламиз. Катта тўйга тўёна билан борамиз. Ватанимизнинг «оқ олтин» бойлигини ошириш учун янада ғайрат билан ишлаймиз.

Ҳозир бўлимимизнинг ҳамма звеноларида кўкламги чигит экиш кампаниясига ҳамма нарса тахт қилиб қўйилмоқда. Ҳар йилгидек бу йил ҳам 600 гектар майдонимизнинг ҳаммасига чигитни 60х50 сантиметрли схемада квадрат-уялаб экамиз. Экиш агрегатлари мавсумга тўла шай бўлиб турипти. Ерни тўйдиришни ҳам қизғин давом эттираяпмиз. Ишчиларимиз ариқ-зовурларни тозалаб бўлганлар. Энди экин майдонларини кафтдек текис қилишга зўр бераяптилар. Маълумки, машиналар яхлит-яхлит карталарда унумли ишлайди. Шуни ҳисобга олиб, бу йил 14 та картамизни йириклаштираяпмиз.

Йилдан-йил ўз ишларига механизацияни тобора кенгроқ жорий этаётган, юбилей йилида катта марраларни кўзлаб ишлаётган бўлимимиз деҳқонлари Октябрнинг шонли тўйини ғалаба рапорти билан кутиб оладилар.

Парда БОЙТЕРЕКОВ,
Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

МАРАКАЕВ ИЗИДАН

«ЗАНГОРИ КЕМА»ЛАРГА—КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, пахта тозалаш саноати ва енгил саноат ходимлари, механизаторларнинг Тошкентда бўлиб ўтган илмий-ишлаб чиқариш конференцияси пахта теримини механизациялаш ва пахта сифати масаласига бағишланди.

Машина — пахтакорларнинг дўсти ва ёрдамчисидир. Бу эса, республика дала меҳнатчиларининг шиори бўлиб қолди. Ўтган йили «зангори кемалар» билан далалардан 1 миллион 332 минг тонна «оқ олтин», яъни Ўзбекистонда тайёрланган бутун пахтанинг қарийб учдан бир қисми терилди. Машина-механизмлардан моҳирлик билан фойдаланиш илгор колхоз ва совхозларга терим ишларини мисли кўрилмаган қисқа муддатда — октябрь ойида бажариб қўйиш имконини берди.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, механизмлардан тўғри фойдаланиш терим процессини жадаллаштирибгина қолмай, шу билан бирга меҳнат сарфини 2-3 баравар камайтиради, пахта етиштиришни 20 процент арзонлаштиради. Ж. Кўчиев бошлиқ бригаданинг, Р. Чки, У. Акбаров, Х. Жумаев, А. Забелек, А. Қосимов ва У. Бухарбоевлар бошлиқ звеноларининг иш якунлари бу соҳада айниқса ибратлидир. Ана шу меҳнатчи коллективларда бутун ҳосил машина билан териб олинди.

«Савай», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Пахтаорол» совхозлари ҳамда ғўза парваришининг илғор агротехникасини қўлланаётган ва пахта термини яхши уюштирган бошқа хўжаликларнинг тажрибаси диққатга сазовордир. Бундай хўжаликларда одатда яхши сифатли арзон пахта етиштирилмоқда. Афсуски, бундай мисоллар ҳозирча кўп эмас.

Бир қанча хўжаликларда пахтани машинада териш салмоғи ҳали ҳам пастдир. Бир қанча ҳолларда агрегатлар билан мавсумда терилган пахта атиги 45—50 тоннага етади. Машинада терилган бундай пахта қўл теримидан қимматга тушади. Ҳосилни механизмлар билан териш технологиясининг бузилиши пахтанинг ғоят ифлосланиб қолишига олиб келади. Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё областларидаги ва Қорақалпоғистон АССРдаги айрим колхоз ва совхозларда машинада терилган ҳосилда биринчи сорт пахта қўлда терилган биринчи сорт пахтадан 3—5 баравар камдир.

Кўпгина хўжаликлар ҳосил терими қоидаларини бузаётганликлари натижасида «зангори кемалар»нинг бункерларидан тўкиладиган «оқ олтин» паст сифатли эканлиги ҳақида конференцияда гапириб ўтилди. Кўпинча механизаторлар ғўза тупларида мумкин қадар кўпроқ кўраклариниг очилишини кутиб турадилар. Бу эса, нотўғри практикадир. Бу эса шунга олиб келадики, агрегатлар пахтанинг сортларини аралаштириб юборади, айни бир вақтда 3—4 сорт пахтани теради. Фан ва илғорлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ғўза тупларида кўраклариниг 55—60 проценти очилиши биланоқ машиналарни далага чиқариш зарур.

Конференция қатнашчилари терим ишларини механизациялашни янада кенгайтириш, пахта сифатини яхшилаш тадбирларини белгиладилар. Пахтанинг барвақт етиладиган юқори сифатли навини етиштириш тавсиялари ишлаб чиқилди.

Республика пахта тозалаш саноати ходимларининг режалари ҳам каттадир. Улар беш йилликнинг охиригача 30 та янги пахта заводи қуришга, барча тайёрлов пунктларини пахтани қуритадиган ва тозалайдиган цехлар билан таъминлашга, ўз корхоналарида пахтани қуритиш ва икки марта тозалаш илғор технологиясини жорий қилишга қарор бердилар. Барча пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари анча мукаммал лаборатория ускуналарини оладилар.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг ходимлари ўз ойдиларига пахтакорлар учун ишлаб чиқараётган машиналарининг пишиқлигини ва сифатини анча ошириш вазифасини қўйдилар. (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг делегацияси 21—23 мартда дўстлик визити билан Москвада бўлди. Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихт делегацияга бошчилик қилди. Делегация составида Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Вилли Штоф, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Эрих Хонекер, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Гюнтер Миттаг, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари ўртоқ Герман Аксен, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР давлат план комиссиясининг ранси ўртоқ Герхард Шюрер, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри ўртоқ Отто Винцер бор эди.

Ўртоқ В. Ульбрихт ва делегация аъзолари Москвада бўлган вақтларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси ўртоқ Н. К. Байбаков билан, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ М. А. Лесечко ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико билан учрашдилар ва суҳбат қилдилар.

Суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси ўртоқ П. А. Абрасимов, Германия Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Хорст Битнер ҳам қатнашдилар.

Самимият, қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатлар давомида Совет Иттифоқида коммунизм қурилиши, Германия Демократик Республикасида социализм қурилишига доир муҳим масалалар ва КПСС билан Германия Бирлашган Социалистик партияси ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, ҳар иккала мамлакат ўртасида экономика, фан ва техника соҳасида узоқ даврга мўлжалланган алоқаларни янада ривожлантириш ва кучайтириш масалаларига катта эътибор берилди. Ҳар иккала томон халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқларини ривожлантиришда биргалашиб ҳаракат қилиш ва бу соҳада ишларни мувофиқлаштириб олиб бориш зарур эканлигини алоҳида таъкидлади.

Европа хавфсизлигини таъминлаш проблемалари юзасидан кенг фикрлашиб олинди. Учрашув қатнашчилари тинчлик, демократия ва социализм манфаатларини кўзлаб ва Бухарест декларацияси принципларига ҳамда Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар министрлари кенгашида ишлаб чиқилган йўлга мувофиқ суратда, Европа проблемаларини ҳал этиш учун кураш олиб боришга яқдиллик билан қарор берганликларини таъкидладилар.

КПСС ва Германия Бирлашган Социалистик партиясининг раҳбарлари Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномага тамомила мувофиқ суратда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги қардошларча дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Бу шартнома халқларимизни жипслаштиришда, Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Учрашув қатнашчилари замонамизнинг барча энг муҳим проблемалари юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Германия Бирлашган Социалистик партиясининг қарашлари тамомила бир хил эканлигини таъкидладилар. Улар Вьетнам халқининг америка империалистлари агрессияси га қарши олиб бораётган ҳаққоний курашини бундан буён ҳам актив қўллаб-қувватлаш ва бу курашга ёрдам бериш, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги мамлакатлари, халқаро коммунистик ҳаракат ҳамда ишчилар ҳаракати бирлиги ва жипслигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга ҳамжиҳат бўлиб интилажакларини билдирдилар.

Ўртоқ В. Ульбрихт Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида КПСС Марказий Комитети делегациясини Германия Бирлашган Социалистик партиясининг яқинда ўтказиладиган VII съездига юбориш, ҳақидаги таклифномасини КПСС Марказий Комитетига топширди. КПСС Марказий Комитети бу таклифномани мамнуният билан қабул қилди.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ВИСТАВКАНИ КЕЛИБ КЎРИШДИ

Халқ истеъмол қиладиган ва сифати яхшиланган молларни заводлар ва фабрикаларнинг коллективлари мана шу юбилей йилида ишлаб чиқаришга киришади. Шундай молларни кўрсатиш учун очилган выставкани шу йил 23 мартда Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Д. Ф. Устинов, Ф. Д. Кулаков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, М. Т. Ефремов, В. А. Кириллин, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов ўртоқлар, РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ А. М. Школьников келиб кўришди.

Выставкада газламалар, кийимлар, пойафзаллар, озиқ-овқат моллари ҳамда маданий-маиший ва рўзғор буюмларининг олти мингга яқин янги нусхалари кўргазмага қўйилган. Бу молларни СССРдаги 28 министрлик ва идораниг корхоналари тайёрлаб берди. СССР министрлари, заводлар, фабрикаларнинг раҳбарлари ва конструкторлари выставкада изоҳ бериб туришди.

Партия ва ҳукумат раҳбарлари выставкани кўздан кечираётган пайтда янги молларни тезроқ ўзлаштириш, шундай молларни ишлаб чиқаришни қўпайтириш, халқ истеъмол қиладиган барча молларнинг сифатини яхшилашга министрликлар ва корхона ходимларининг эътиборини жалб қилдилар.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БАЙРУТГА ҚЕЛДИ

БАЙРУТ. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси Сарвар Азимов бошчилигидаги совет ёзувчилари делегацияси бу ерга келди. Делегация Африка-Осиё ёзувчиларининг Байрутда 25 мартда очиладиган III конференциясида қатнашади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИНИ РЕСПУБЛИКА ОРГАНЛАРИДАН ИТТИФОҚ—РЕСПУБЛИКА ОРГАНЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиумининг 1967 йил 21 февралда чиқарган «СССР қурилиш министрликларини тузиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги ва Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги республика органларидан иттифоқ-республика органларига айлантирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 24 март.
Тошкент шаҳри.

БИРИНЧИ ЎЗБЕК ТРАКТОРЧИСИ

Ўртаовул қишлоғида ёши олтмишлардан ошган Тўлаган исмли бир отахон яшайди. Қишлоқда уни танимайдиган киши йўқ. Кексалар у ҳақида гап кетганида, ўзбеклардан чиққан биринчи тракторчи, деб тилга олишади.

— Бу яқин ўртада,— дейди бир вақтлари у билан бирга ишлашган Мираъзам ота (ҳозир у колхоз трактор паркида қоровул бўлиб ишлайди),— Тош ўғлининг олдига тушадиган тракторчи йўқ эди. Пенсияга чиққанига беш-олти йил бўлди чамаси. Лекин ҳозир ҳам тинib-тинчимайди. Бўш вақтларида далага чиқиб туради, ёш тракторчиларга маслаҳатлар беради.

Мен ҳам ҳамма таърифтавсифини ўрнига қўйиб гапирадиган ана шу ажойиб одам билан танишмоқчи бўлиб, унинг уйига бордим.

Кечки пайт эди. Тўлаган отанинг ўғли эндигина мактабдан келиб турган экан. У отасининг томорқада ишлаётганлигини айтди. Бироздан сўнг ичкаридан ўрта бўйли, қуюқ қора қошли, мўйлов қўйган, қўқон дўппили, қора чопонининг устидан белбоғ боғлаб олган бир киши чиқиб келди.

Тўғрисини айтганда мен Тўлаган отани анча қариб қолган, соч-соқоли оқарган киши бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Янглишган эканман. Олтмиш бешга кирган бўлишига қарамасдан қомати тик, йигитлардек навқирон кўринарди кўзга. Меҳнат қилган қаримайди, завқли меҳнат кишини ёшартиради, деб шунга айтсалар керакда.

Тўлаган ота қўрада-қўймай ичкарига етаклади. Ўша куни у билан узоқ суҳбатлашдик. Тўлаган ота менга ўзининг ҳар хил ҳужжатлари орасидан русча ёзилган бир хатни узатди.

Мана унинг мазмуни: «Қимматли ўртоқ Тўлаган Тошев! Биз яқинда Тошкент газеталаридан бирида «Бир трактор чорак аср» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдик. Бизда бу мақола катта қизиқиш туғдирди. Сиз собиқ Путилов (ҳозирги Киров заводи) ишлаб чиқарган универсал трактордa 25 йилдан ортиқ ишлабсиз. Биз —собиқ тракторсозлар бу машинани узоқ йил давомида ишлатганлигингиз билан фахрланамиз. Сабабки, бу машина бизларнинг қўлимиз билан яратилган эди-да! Кўрсатмага мувофиқ бу трактор аллақачанок чиқитга чиқариб юборилган бўлиши керак эди. Сиз машинага техник қаровни қандай йўлга қўйгансиз, унга қандай муносабатда бўлгансиз, бизга ана шу ҳақда ёзиб юборсангиз кўп хурсанд бўлардик».

Хат остида Путилов заводи собиқ ишчиларининг имзоси турарди.

— Бу хат,— тушунтириб берди Тўлаган ота,— мен ишлаб юрган вақтимда келган эди. У маҳалда мен билан бирга колхозда ўн уч йил ишлашган Миша деган ўртоғим МТСда механик бўлиб ишларди. Билганларимни унга айтиб турдим, у русчалаб жавоб ёзиб юборди...

Дарҳақиқат завод ишчиларининг Тўлаган отага қойил қолишганича ҳам бор эди. Бир трактордa чорак аср... Бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ахир турмушда тракторчиликка ҳавас қилган, лекин машинага ўтиргач қийинчиликларга бардош бераолмаган, бузилиб қолганида остига кириб, мойга, беланиб, ремонт қилишга чидай олмаган баъзи бир трактончилар, бизга бу иш тўғри келмас экан, деб жўнаб қолганлар кўп бўлган.

Тўлаган ака бундайлардан эмасди. У тракторчиликка ёшлигидан ҳавас қўйганди. Ўша 1930 йилларда ҳозирги Свердлов номли колхозининг номи «Авангард» деб аталарди. Хўжаликда бор-йўғи 300—350 гектар атрофида ер бор, табиий, у пайтда асосий қурол омоч, кетмон эди.

Шу орада район марказида тракторчилар курси очилиб қолди. Тўлаган колхоздан бир ўзи ўз хоҳиши билан ана шу курсда ўқишга истак билдирди. Мактаб қишлоқ марказидан анча йироқда эди. Шунинг учун у ерда ётиб ўқишга тўғри келарди.

Биринчи машғулот. Хона областнинг турли районларидан келган ўқувчилар билан тўла. Бир қозоқ йигити лекция ўқиди. Тўлаган бундай қараса ҳамма унинг гапларини қоғозга ёзиб олмоқда. Ана шунда у бармоғини тишлаб қолди. Нега деганингизда, у маҳалда саводсиз эди-да! Ёшлигида отасидан етим қолиб, тирикчиликка берилиб, хатсаводини чиқара олмаганди. Алланечук ўнғайсиз сезди ўзини. Диққи-нафас бўлиб кетди.

Дарс тугагач, ҳеч кимга сездирмай кўрпа-ёстиғини кўтарди-да, уйига жўнаб қолди. Лекин ўша куннинг эртасигаёқ бояги қозоқ йигит—ўқитувчи унинг уйига кириб келди. Тўлаган ўзини оқламоқчи бўлиб, сўз айтишга оғиз жуфтлаган эди, бўлмади.

— Ҳаммасини тушуниб турибман,— деди ўқитувчи,— дарс пайтида ёза олмай қийналиб ўтирганингизни ҳам кузатиб турдим. Қани айтингчи, тракторчиликка астойдил ихлос қўйганмисиз?

— Бўлмасам-чи,— деди Тўлаган бошини қуйи эгиб.

— Шу гапингизнинг ўзи кифоя,— деди ўқитувчи,— ёзмасангиз ҳам майли яхшилаб эшитиб ўтирсангиз бўлгани...

Шундай қилиб, Тўлаган яна мактабга қайтиб борди. У астойдил тиришди, ҳаракат қилди. Ҳар бир лекцияни жон қулоғи билан эшитди. Ўқиб олишга ҳаракат қилди. Амалий машғулот пайтида трактор олдидан сира жилмас, машинанинг ҳар бир қисми, ҳар бир деталини сўраб билиб олишдан эримасди. Ирода устун келди. Тўлаган курсни яхши баҳолар билан тугаллаб, ҳамқишлоқлари орасига ёруғ юз билан қайтди. Энди у илгариги Тўлаган эмас. Ҳамма унга бошқача назар билан қараётгандек эди. У трактор ҳайдашнигина эмас, бузилиб қолганда тузатишни ҳам яхши ўрганиб олганди.

Колхозга янгигина берилган «Фардзон» тракторини правление-дагилар ўзбеклардан биринчи бўлиб етишиб чиққан тракторчи Тўлаган ниҳоятда ҳаяжонда эди. Бир томондан машина эгаси бўлганига қувонса, иккинчи томондан ҳали ҳеч ким миниб кўрмаган бу тракторни ишлата олармиканман, деб ҳавотирланган эди.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тракторни миниб биринчи бор далага чиққан кунини сира-сира эсдан чиқармайди. Одамлар бундай машинани илгари кўришган эмас, шунинг учун ҳам трактор қаерга борса унинг кетидан дувдув юришарди. Хотин-халажлар эса паранжи ёпинишиб, эшик тирқишидан мўралашарди. Одамлар орасида ҳар хил гап. Бировлар «Баракалла Тўлаган, қойилмиз, сенга» деб ҳавас қилишса, оғзига куч етмаган баъзилар эса бўлмағур гапларни гапиришар эди.

Лекин бундай гапларга ҳеч ким қулоқ солмасди. Ҳамманинг икки кўзи тракторни парилларатиб, ерни палахса-палахса қилиб ағдараётган Тўлаганда эди.

Янгиликнинг эскилик устидан галаба қозониши осонликча бўлмайди, албатта. Тўлаган ҳам дастлабки пайтларда кўп қийинчиликларга дуч келди. Нега деганингизда, у маҳалда сеялка йўқ эди, чигит от селлкасида қўл билан экиларди. Кейин культивация қилинарди. Культивация даврида трактор ҳайдаган Тўлаган нима бўлади-ю, эгат бошига яқин жойда беш-олти туп кўчатларни эзиб юборади.

Бригадир Нор ака Аҳмедов имадан баҳона топишини билмай юрган экан, тутоқиб кетди.

— Олиб бор тракторингни,— деди у,— бу аҳволда қандай қилиб ғўза ўстириб бўлади!

Лекин Тўлаган ҳам бўш келмади. У ётиги билан бригадирга тушунтирди. Ўз ишига яна ҳам пухта қарай бошлади. Тракторини обдон созлаб, мойлаб сўнг иш бошлайди. Шундай қилиб, у трактор деҳқонга қанчалик катта фойда келтиришини амалда кўрсата борди. Кишилар бир неча кун овора бўлиб чопадиган, кетмон чопиқ қиладиган далаларни Тўлаган бир-икки кунда қўлдан чиқарганда ҳамма унга қойил қолди.

Шу орада МТСдан колхозга универсал трактори бериладиган бўлиб қолди. Тўлаган аканинг айтишига қараганда аслида бу трактор ҳам янги эмасди. Мактаб ўқувчилари чиқитга чиқариб юборилган трактор қисмларини йиғиштирган, МТСдаги Дойбин фамилияли бир рус киши эса бу қисмларни жой-жойига қўйиб, уни бир бутун машина ҳолига келтирган экан.

Ана шу универсал машина Тўлаган акага берилди. Бу машинани бошқариш анча қулай ва енгил, иши унумли эди. Тўлаган ака бу машинада ҳам ер ҳайдаб, ҳам чигит экар, ҳам культивация қила бошлади. Она ўз фарзандини қанчалик эркалаб, ардоқласа, у машинани ҳам шундай ардоқларди.

Улуғ Ватан уруши бошланди. Қишлоқдаги ҳамма эркаклар қўлга қурол олиб жангга отланишди. Лекин колхозда тракторчилар бармоқ билан санарли эди. Шунинг учун Тўлаган акани қишлоқда қолдиришди.

Колхозда бор-йўғи 8 та тракторчи бор эди. Бир киши 3—4 кишининг ишини бажариши лозим эди. Кўпинча Тўлаган ака уйга қайтмасдан, даланинг ўзида тунаб қоларди. Кундуз куни кўз кўргунча ер ҳайдаб чигит экса, ўқариқ олса, кечаси фонарь ёруғида мола босарди. Тонгга бориб далада мизғиб оларди.

Уруш йиллари қаттиқ меҳнат қилиб юборганлиги ўз асоратини қолдирган эди. Ў бод касалига чалиниб қолди. Чап оёғи тақимига ёпишиб қолди.

— Майли энди сиз дам олинг, ёзда санаторийга юборамиз,— деб айтишди колхоз раҳбарлари.

— Йўқ,— деди у,— ҳозир уйда ўтирадиган пайт эмас, мени тракторга биров мингаштириб қўйса бўлгани, у ёғини эплайвераман.

Тўлаган акага унинг шогирди Олим Ноиповни ёрдамчи қилиб беришди. Олим ҳар куни, Тўлаган ака трактор устидан тушмасдан туриб чой ичар, овқатланарди.

Ез келди. Уни Чортоқдаги санаторийга юборишди. Тўлаган ака у ердан тузалиб қайтди. Аввалгидек ишга киришиб кетди.

Бу камтар ва меҳнаткаш инсон ўз ҳаёти даврида кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарди. Унинг ўгит ва насиҳатларига амал қилиб иш тутган Худоёр Ҳошимов, Олим Саидғозиев, Маҳамад Рихсиев, Олим Ноиповлар яхши тракторчи ва шофер бўлиб танилдилар.

Бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йил апрель ойлари эди. Айни чигит экиш пайти. Тўлаган аканинг тоби қочиб қолди.

— Энди сиз ишламасдан дам олсангиз ҳам бўлади,— деб маслаҳат беришди докторлар.— Бир трактордa ўттиз йилга яқин ишлабсиз. Бу катта жаоорат.

Тўлаган ака бу таклифга ночор рози бўлди.

Эртаси куни Тўлаган ака ўз тракторини шогирди Зиёвиддин Юсвалиевга тақдим этди...

Тўлаган ака ҳикоясини тугатаёзган эди ҳамки, кўчадан трактор овози эшитилди. Ҳовли саҳнидан машина паркидан чиқиб бораётган қатор-қатор тракторлар кўриниб турарди.

Тўлаган ака ўша томонга нигоҳ ташлади.

— Ҳозирги тракторчи ёшларга ҳавасим келади,— деди у,—улар ҳайдаётган трактордa ишлаш осон ва қулай. Бизлар ҳайдаган дастлабки тракторларни бу кўчадан у кўчага олиб ўтгунча эсингиз кетарди. Темир панжали ғилдирак эмасми, ҳамма ёқни тарақа-туруқ қилиб, кишини чарчатиб асабига тегарди. Ҳозир эса ҳамма тракторларнинг ғилдираклари резинкали.

Дарҳақиқат, ҳозир техника замони бўлиб қолди. Партия ва ҳукуматимизга минг-минг раҳмат. Тунов куни гаражга борганимда гаплашиб қолдим. Дастлабки йилларда 200—300 гектар ер, 5—6 от-уловга эга бўлган, ҳар гектаридан аранг 10—15 центнердан ҳосил оладиган колхозларда, эндиликда техниканинг истаган турини топасиз. Шу хўжалигимизнинг ўзида 100 дан ортиқ ҳар хил қишлоқ хўжалиги машиналари бор. Қани энди соғлиғим тўғри келса мен ҳам далага чиқиб меҳнат қилардим-у... Майли, тинчлик-омонлик бўлаверсин. Колхозимиз бундан ҳам гуркирайверсин.

Ташқарига чиққанимда қош қорайган эди. Йўлда кетаяпман-у, хаёлимда ҳозиргина Тўлаган ака ҳикоя қилиб берган колхозлаштириш йиллари. Ҳозирги фаровон турмушимизни юзага келтириш учун қанчадан-қанча оталаримиз тер тўкишган, меҳнат қилишган. Ҳатто ўз соғлиқларини ҳам аямаган. Минг ўргилсанг, ҳар қанча таъзим қилсанг, миннатдорчилик билдирсанг камлик қилади уларга.

Н. РИХСИЕВ,
Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз.

ҚИШЛОҚДА „ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ“

Оққўрғон районидаги 1-«Оққўрғон» совхози қишлоғининг қиёфаси тобора ўзгариб бормоқда. Совхознинг биргина 4-бўлимидаги 20 дан ортиқ хонадон қисқа вақт ичида янги шинам уйларга кўчиб киришди ва ҳовли тўйлари ўтказишди. Айниқса «занғори ёқилғи» қишлоқ хонадонларига тез кириб келмоқда. Ҳозир бўлимдаги барча хонадонларнинг деярли ярмиси ана шу ёқилғидан баҳраманд бўлмоқда. Совхоз маъмурияти юбилей йилининг охирigача бу ёқилғи билан барча хонадонларни таъминлаш тадбирларини кўришмоқда.

Т. МИРҚУРБОНОВ.

Цех мастери М. Абдурахимовани пойтахтдаги «Учқун» фирмасида яхши танишади. У шу кунларда юбилей вахтасида туриб меҳнат қилаяпти.

ҲУРМАТИМИЗ ЧЕКСИЗ

Кишига қайта ҳаёт бахш этган шифокорни унутиб бўладими? Асло! Биз хирург Ўктамжон Исмоиловни ҳам ана шундай жонкуяр шифокор сифатида беҳад ҳурмат қиламиз. У бизларни даволаб, яна қайноқ меҳнат қучоғига қайтишимизга сабабчи бўлди.

Хирург Ў. Исмоиловни олдиндан ҳам яхши билардик. У моҳир шифокор бўлиш учун ўз устида кўп ишлади. Мана эндиликда уни ҳамма ҳурмат қилади. Айтишларига қараганда, 1500 дан ортиқ беморни муваффақиятли операция қилиб, оёққа турғизган. Уларнинг ҳаммаси ҳозир соғ-саломат.

Калинин районидаги 1-шаҳар клиник касалликлари шифохонасининг моҳир хирурги Ўктамжон Исмоиловга газета орқали чин юракдан раҳматлар айтамиз.

Бу хатга 20 дан ортиқ киши имзо чеккан.

ТЕЖАМКОРЛАР

Завод ишчи ва хизматчилари кўрсатган ишчиларни рағбатлантираяпмиз. Ишлаб чиқаришда республика кўригига актив кўшилиб, корхонада исрофгарчиликка қарши кураш олиб боришяпти. Корхонада 15 кишидан иборат кўрик комиссияси тузилган.

— Кўрик комиссияси план асосида иш олиб бораяпти, — дейди завод бош инженери, кўрик комиссиясининг раиси Б. Крайз. — Корхонамизнинг ҳамма цех, участкаларида исрофгарчиликка қарши курашмоқдамиз. Тежамкорликда намуна кўрсатаётган ишчиларни жорий этганимиз, материалларни тежаб-тергаб сарфлаганимиз эвазига ўтган йили маҳсулот таннархини 163 минг сўмга пасайтиришга, 112 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолишга муваффақ бўлдик. Кўплаб тонна тежалган қуйилмалар ва бошқа материаллар ҳисобига планга қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқардик.

Заводда бу соҳада ўтган ойда қўлга киритилган ютуқлар ҳам қувончли бўлди. Транспорт цехининг ишчилари 260 литр бензин, мой ва бошқа материалларни тежашга эришди. Тежалган 260 литр бензин билан биргина «ГАЗ—51» автомашинаси завод маҳсулотини 1200 километрга етказиб бериши мумкин. Дурадгорлик цехида ҳам кўплаб материаллар тежаляпти. Бунда ҳар иккала цехнинг Х. Мирбобоев, И. Асанов, Ж. Йўлдошев, А. Раҳимов, С. Сайдиаҳмедов сингари азаматлари намуна бўлишмоқда.

Хуллас, заводда бўлган ҳар бир киши корхона ишчиларининг фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўриб қувонади. Корхонанинг бешта коммунистик меҳнат бригадаси, 165 коммунистик меҳнат зарбдори, шу шарафли ном учун курашаётган 11 бригада, уч цех азаматлари шонли 50 йиллик юбилейни катта зафарлар билан кутиб олиш ишқида меҳнат қилмоқдалар, ҳар ишда тежамкорликка интилмоқдалар.

С. ЁҚУБОВ.
Тошкент ремонт-экскаватор заводи.

РАССОМ А. ВОЛКОВ АСАРЛАРИ МОСКВАДА

Ўзбекистонлик атоқли рассом А. Волков асарлари ўзининг жозибадорлиги ва нафислиги билан кўплаб томошабинларни мафтун этган. Рассомнинг лирик пейзажлари, мазмунли полотно ва картиналари республикамиз тасвирий санъат асарлари хазинасига муносиб дурдоналар бўлиб қўшилди.

Яқинда москваликлар бу сермаҳсул ижод соҳиби асарлари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Москвадаги Шарқ халқлари тасвирий санъати Давлат музейида намойиш қилинаётган бу асарларни ҳозирнинг ўзида кўп киши келиб кўрди.

Кўргазма рассом ижоди учун чинакам ижодий кўрик ҳамдир.

А. АБДУВАЛИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетамизнинг ўтган йили 30 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада айрим такси машинаси ҳайдовчиларининг йўловчиларга яхши хизмат кўрсатмаётганликлари, улардан ортиқча ҳақ олиб қолаётганликлари танқид қилинган эди.

Мазкур мақола биринчи, иккинчи ҳамда учинчи автокомбинат коллективлари ўртасида муҳокама қилиниб, мақолада келтирилган фактлар, танқидий мулоҳазалар тўғри деб топилган.

1-автокомбинат такси ҳайдовчиси Виктор Чичков, 2-автокомбинат шофери Абдулла Рихсиев ва Мирсоат Шарипов, 3-автокомбинат шофери Степан Ежовлар вазифасидан бўшатилган. 63-04 ТНВ машина ҳайдовчиси Сергей Мудринга выговор эълон қилинган ҳамда шундай хатоларга йўл қўймаслик тўғрисида такси ҳайдовчилар жиддий огоҳлантирилган.

ЭНГ ЯХШИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИМИЗ

ИШЧАН ВА ТАШКИЛОТЧИ

Райим машғулотларга келмай қўйди, уйида бирор ҳодиса юз бергандир, деб ўйлади аввал Эсонбой ва хабар олгани одам юборди. Ҳеч қандай воқеа рўй бермаган экан. «Бола-чақали бўлсам, ўқиб шаҳар олиб берармидим?» дейди борганларга.

Эсонбой қайрон бўлди. «Барча машғулотларга актив қатнашиб турган одам нега бирдан айниб қолдийкин, хаёлидан ўтказади у. Йўқ, шу бўйи қолиб кетса яхши бўлмайди. Ўзим ҳам бир гаплашиб кўрай».

Райимнинг уйига борди у. Суҳбатлашиб ўтирибЭсонбой билимдон бўлишининг аҳамиятини эринмай тушунтириб, ўқишга ҳавасини орттирди. Райим ҳам йўқ деб туриб олмади. Умр йўлдоши «ёш болага ўхшаб ўқиб юрасизми?» дегани ўтиб кетиб, ўқишга бормай қўйган экан. Энди хатосини тушунди. Келгуси машғулотга у барвақт етиб борди. Ўтилган темаларни сўраб, суриштириб, мазмунини қисқача ёзиб олди. Шу кундан бошлаб Райим Анорбоев сиёсий ўқиш машғулотларига яна мунтазам келадиган бўлиб қолди, темаларни ўзича тахлил қилиб, қунт билан ўқий бошлади.

Эсонбой Бўронов ана шундай меҳрибон, жанкуяр пропагандист. У ҳозир Калинин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳузуридаги бошланғич сиёсий мактабда 34 тингловчига дарс бермоқда. Мактабга асосан тўлиқсиз олий, ўрта маълумотли коммунист ва партиясиз активлар жалб этилган. Ёш пропагандист ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик кўради. Асосий адабиётдан ташқари, кундалик газета ва журналлар материалларидан ҳам мунтазам фойдаланиб, тингловчилар д а ўтилаётган темага катта қизиқиш уйғотади.

— Пропагандистлик менинг иккинчи касбим, — дейди Э. Бўронов. — 1954 йилдан буён колхоз комсомол ва партия маорифи шохобчаларида сиёсий ўқишга раҳбарлик қилиб келаман.

Бизнинг «Қандай қилиб машғулотларни юксак савияда ўтказишга эришасиз?» деган саволимизга у шундай жавоб қилди:

— Мен тингловчиларни қизиқтирган ҳар қандай масала хусусида атрофлича гапириб бераман. Темаларни кўргазмали қуроллар, баъзан эса кинофильм ва киножурналлар ёрдамида, В. И. Ленин ва марксизм-ленинизм классиклари асарларини содда тилда тушунтирган ҳолда ўтаман. Биронта ҳам саволни жавобсиз қолдирмасликка интиламан, ўзим ҳам саволлар бериб, тингловчиларнинг қандай ўзлаштираётганликларини кузатиб бораман.

«Биринчи рус революцияси йилларида В. И. Ленининг фаолияти» деган тема ўтилган бир машғулотда биз ҳам қатнашдик. Шунда пропагандистнинг сўзларига, пухта тажрибасига ишонч ҳосил қилдик.

Эсонбой Калинин номли саккиз йиллик мактаб директори. У педагог сифатида ҳам намунали ишлар қилмоқда.

Ишчан пропагандист, уста педагог ва ғамхўр тарбиячи Эсонбой Бўронов бутун куч-ғайратини қишлоқ меҳнаткашларини маърифатли қилишга, уларнинг сиёсий онгини оширишга сарф этмоқда. Шу туфайли у қишлоқда катта-кичикнинг самимий ҳурматига сазовор бўлмоқда.

А. АҲМЕДОВ,
С. ШАРОФХОНОВ.
Бўка райони.

2500 ЎРИНЛИК

Тошкентнинг Карл Маркс, Киров, Ленинград ва Охунбобоев кўчалари орасидаги кварталда «Осиё» деб аталган йирик ресторан бунёд этилади. Ташгипрогор институтининг ёш архитекторлари В. Спивак, Р. Меметов ва инженер А. Краков томонидан таклиф қилинган лойиҳада ўзбек миллий меъморчилигининг анъанавий усуллари қўшилиб, ҳозирги замон кўринишига эга бўлади.

Муаллифлар ҳажм планировкасини ҳал қилишдаги изланишларда шаҳарнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олдилар, бинода мумкин қадар кўпроқ ҳаво бўлишига эришиш учун интилдилар.

Уч қаватли катта бино қуриш кўзда тутилаяпти. Унинг атрофида савдо шохобчалари жойлаштирилади. Уларни шаҳар хиёбонига қўшиб турувчи кичик ҳовли бирлаштириб туради. Ҳашаматли экна вестибюлдан пастак болохоналари бўлган қишки ва ёзги савдо залларига олиб чиқади. Залларга айвонлар туташтирилади.

Ишлаб чиқариш бинолари комплексининг марказий қисмида жойлашади. Бу ерда кухня ва иккита ичкари ҳовли бўлиб, улардан бирида ошпазлар ўчоқда палов, кабоб, сомса пиширишади.

Кўчма тўсиқ деворлар ҳам катта қулайлик туғдиради: Бу тўсиқлар олиб қўйилса қишки зални ичкари ҳовли билан, ёзги зални эса, чойхона билан қўшиб юбориш мумкин бўлади.

Асосий заллардан ташқари чойхона, кафетерий, коктейль ичиладиган жой, ёзги мороженое кафеси, буфетлар, закусочналар ҳам шу ерда жойлашади. Ёзда 2500 киши қишда 2000 киши тановвул қила олади.

Ярим тамлар магазини, заказ столи бўлган кулинария магазинини ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Бинонинг шипи «травертон» йирик плиталаридан тайёрланади. Турли хил баландликда осиб қўйиладиган бу плиталар ҳажм композициясини вужудга келтирадилар. Бино қирраси билан қўйилган темир-бетон йиғма плиталар билан ёпилади. Бундай тешикли конструкция қуёш нурларидан сақлаш учун ҳам, ҳаво алмаштириб туриш учун ҳам хизмат қилади. Ташқи деворлардан бирининг юқори қисмига пардозловчилар сирланган плиталар ўрнатиб, уларга ўзбек орнаменти намуналари чизилади.

Иншоотнинг технология қисмини Москвадаги савдо бинолари ЦНИИЭП институти ишлаб чиқаяпти. Институт мутахассислари овқат тайёрлашнинг кўп жараёнларини тўлароқ механизациялаш имконини яратишга ҳаракат қилдилар. Лойиҳанинг бош инженери З. М. Полудненко, бу соҳадаги янгиликлар нималардан иборат? деб берилган саволга жуда кўп техника ҳужжатларидан парчалар ўқиб берди.

Сабзавот цехи бир кунда тўрт тонна картошка, бир тоннадан ортиқ мева-чева ва бошқа сабзавотларни қайта ишлаб беради. Ошхона пичоқлари, ювиш қозонлари ўрнини поток линия эгаллайди.

Лойиҳанинг алоҳида қисми ҳаво алмаштиришга бағишланган. Бу ерда 7 та автоматлашган курилма ҳамда мустақил кондиционер ўрнатилиб, улар ҳаво алмаштиради ва янгилаб туради.

Хуллас, ошпазлар ижтиёрига янги машиналар, механизмлар, техника қурилмалари бериб қўйилади. Қурувчилар ва монтажчилар ресторанни шу беш йилликда фойдаланишга топширишади.

А. ВЕТРОВ.

СТУДЕНТЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

«Амалий машғулот — билимга билим қўшади». Бу, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети биология факультети студентларининг шиорига айланиб қолди. Факультетнинг тупроқшунослик, агрохимия кафедраларида лабораторня машғулотларига катта аҳамият берилмоқда. Суратларда: (чапдан ўнгга) IV курс студентларидан Р. Легходимова билан М. Умаровалар лабораторняда. Студент Г. Сандова химиявий анализни кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотолари.

ПАХТАКОРЛАР МАШИНАСИ

ЛЕНИН МУКОФОТИГА

Ўзбекистон деҳқонлари беш йилликнинг биринчи йилида мамлакатга 4 миллион 82 минг тонна пахта етказиб бериб, улкан ғалабага эришдилар. Ана шу ҳосилнинг учдан бир қисми машиналар билан териб олинди. Ваҳоланки, яқиндагина — 1962 йилда машина теримининг ҳажми аранг 300 минг тоннага етган эди.

Пахта терими — сермеҳнат иш. Бу жараёнга ҳаммадан кўп маблағ сарфлашга тўғри келади. Терим проблемаси яна шунинг учун ҳам мураккабки, унга бирданига кўплаб ишчи кучларини сафарбар қилиш талаб этилади. Иш икки ойдан кўпроқ вақт давом этади. Агар бу иш кечиктириб юборилса, пахтанинг сифати бузилади, кўплаб ҳосил нобуд бўлади.

1949 йилда бир қаторли вертикал шпинделли «СХМ-48» пахта териш машинаси, ундан сал кейинроқ «СХМ-38М» машинаси ишлаб чиқаришга жорий этилган эди. Лекин бу машиналарнинг меҳнат унумдорлиги паст бўлганлиги сабабли улар кенг кўламда қўлланилмади. 1955 йилдан бошлаб чиқарила бошланган ўзюрар горизонтал шпинделли «СХС-1,2» машинаси ҳам ана шундай муваффақиятсизликка учради. Бу машинани ясаш ва ишлатиш анча мураккаб эди. Бунинг устига у кўплаб кўсакларни нобуд қилиб кетарди. Пахта етиштиришнинг ўсиб бориши конструктор ва саноатчиларни қисқа муддат ичида мукаммалроқ ва унумлироқ ишлайдиган бошқа бир машинани яратишни талаб қиларди.

Қатор оралариннинг оралиғини 60 сантиметр қилиб чигитни квадрат-уялаб экиш ва ҳар бир уяда 3-4 тадан ғўза ўстиришга ўтилганидан сўнг, машинанинг олдига янаям бошқача талаблар қўйилди — у илгаригига қараганда анча йирик бўлиб ўсадиган ғўза тупларидаги пахтани териб олиши, тор қаторларда яхши юра олиши керак эди.

Қилинган ҳисоб-китоблар, тажрибалар ва махсус стендларда тезлаштирилган киносъёмка усулини қўлланиш, шунингдек, янги яратилган машинанинг намуна нусхаларини дала шароитида пухта синаб кўриш натижасида бу вазифа муваффақиятли равишда ҳал этилди. Конструкторлар катта технологик янгилик топдилар: ёнма-ён турадиган барабанлардаги шпинделларни шахмат тартибида жойлаштирдилар. Бу йиғим-теримнинг сифатини анча яхшилади. Машинани янгидан тузиш икки қаторли вертикал шпинделли агрегатни яратишга имкон берди.

Биринчи икки қаторли вертикал шпинделли «ХВС-1,2» машинаси (1958 йил) ўзюрар машина эди. Гарчи бу машина катта шуҳрат топган бўлса ҳам, бир жиддий камчилиги бор эди—у ишлайдиган мавсум қисқа бўлиб, йилнинг ўн ойи мобайнида бекор туриб қоларди. Тракторлар анча куч ли (40 от кучига эга бўлган) двигателлар билан ишлаб чиқарила бошлаганидан сўнг, 1964 йилдан бошлаб «ХТ-1,2» маркали икки қаторли осма машина ишлаб чиқарила бошланди. Бу осма машинанинг ўзюрар «ХВС-1,2» машинасидан афзаллиги шундаки, унинг тракторидан йил бўйи фойдаланиш мумкин. Шу туфайли унинг унумдорлиги учдан бир ҳисса ортди. Бундан ташқари янги машина бункерининг ҳажми ҳам кенгайтирилди. Ундан фойдаланишда кўпгина қулайликлар яратилди.

Янги машинанинг бир кунлик ўртача иш унумдорлиги 3,6 гектар, ўзини оқлаш муддати эса 2 йилдан сал ортиқроқ. «ХТ-1,2» нинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари илгариги моделларга қараганда тахминан икки баравар юксалди.

Ана шу пахта териш машинасининг кенг қўлланилиши туфайли Ўзбекистоннинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ўтган йили машина терими плани ва социалистик мажбуриятларини тўла адо этдилар. Сирдарё областининг колхоз ва совхозлари машиналар билан 257 минг тонна пахтада машина бункерларидан хирмонга ялпи ҳосилнинг 85-90 процентини тўкилди. Кўплаб уста механизаторлар ўз ерларида пахтани қўл билан териб олишга сира эҳтиёж қолдирмадилар. «Малиқ» совхози ҳосилнинг 95 процентини, «Савай» ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари 80-81 процентини машиналар билан териб олдилар.

Пахта териш машиналари кенг қўлланилаётган хўжаликларда ҳар бир тонна пахтани етиштиришга сарфланадиган меҳнат ҳаражатлари 38,8 киши-кунига қисқарди. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат унумдорлиги 2,4 баравар кўпайди, пахтанинг таннархи 23 процентга арзонлашди.

Машиналарни қўллаш республика бўйича ярим миллиондан кўпроқ кишини оғир қўл меҳнатидан озод қилиш имконини берди. Йиғим-терим ишларини механизациялаштириш даражаси оширилганлиги натижасида 1966 йилда терим суръати анча жадаллашди ва пахта бирмунча кеч очилган бўлишига қарамай, республика пахта тайёрлаш давлат планини 31 октябрда бажарди. Бошқача қилиб айтганда, яқин ўтмишда 90-100 кунда бажариб келинган план ўтган йили тахминан 45 кундаёқ адо этилди. Мавсумнинг долзарб дамларида кунига 115 минг тоннагача пахта териб, давлатга топширилди.

Пахта териш машиналарини кенг қўлланиш далаларни ўз вақтида ҳосилдан бўшатишга, ерни қулай муддатларда шудгор қилиб олишга, кузги агротехника тадбирларини барвақт ўтказиб, келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратишга тўла имкон бермоқда.

Конструкторлар томонидан кенг қатор оралари ишлатишга мўлжалланган икки қаторли машиналар ҳам яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. 1967 йилда 2 мингтадан кўпроқ ана шундай машинани тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Бу чигит кенг қаторлаб экиладиган кўрик ерларгаги хўжаликлар учун катта аҳамиятга эгадир.

Бугун шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, пахтакорларнинг яхши машинага эга бўлиш тўғрисидаги азалий орзулари ушалди, энг оғир иш жараёнини тўла механизациялаштириш айни ҳақиқатга айланди.

Конструкцияларни ишлаб чиқиш, пахта териш машиналарини кўплаб яратиш ва уларни қишлоқ хўжалигига жорий этишда конструкторлардан П. Глазатов, В. Тютьков, М. Марков, А. Приходько, «Ташсельмаш» заводининг ходими А. Шорохов, пахтани машина билан териб олишнинг усталари Турсуной Охунова ва Жавод Кўчиев ўртоқлар актив иштирок этдилар.

Ленин мукофоти — фан, техника ва маданият соҳаларида эришилган буюк ютуқлар учун берилади ган Ватаннинг олий мукофоти. Икки қаторли пахта териш машиналарининг яратилиши — ана шундай ютуқларнинг биридир. Пахтачилик машиналари бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросининг бир группа конструкторлари, икки қаторли машиналарни ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришда иштирок этган «Ташсельмаш» заводининг ходимлари, шунингдек, ишлаб чиқариш синовлари ўтказилаётганда кўпгина қимматли таклифларни киритган механизаторлар ана шу юксак мукофотга лойиқдирлар.

С. КАНАШ,
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги.

[«Сельская жизнь» газетасидан].

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири Тошкент ўз шонли революцион ўтмишига эга. Худди шу Тошкентнинг ўзида Туркистондаги биринчи марксистик тўгараклар пайдо бўлди. Коммунистик партия туғилди ва бу шаҳар Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида ўлкадаги революцион воқеалар маркази бўлди. Бу соҳада меҳнаткашлар депутатлари Тошкент Совети ҳам катта роль ўйнади. Тошкент шаҳар Советининг эллик йиллиги шу йил апрель ойида нишонланади.

Ҳозир завод ва қурилишларда, олий ўқув юртлари ва мактабларда Тошкент Советининг эллик йиллиги тўғрисида, бу совет қандай вужудга келганлиги, ривожланганлиги ҳамда ана шу иқтисодий, сиёсий ва маданий марказнинг бутун ҳаётига қандай катта таъсир кўрсатганлиги ҳақида суҳбатлар ўтказилмоқда, лекциялар ўқилмоқда ва докладлар қилинмоқда. Шаҳар Советининг энг кекса депутатлари, олимлар, маданият арбоблари, ижроия комитет ходимлари, революция ветеранлари билан ўтказилаётган учрашувлар шонли революцион ва меҳнат традицияларини шаҳрига, унинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболига бағишланмоқда. Ишчиларнинг клубларида, маданият саройларида, кутубхоналарда Тошкент саноати ва қурилиши, фан ва маданияти тарихини ҳамда унинг ривожланиш истиқболларини, шунингдек шаҳар хўжалигининг юксалишини акс эттириб берадиган стенд ва витриналар, фотоҳужжатлар виставкалари ташкил қилинмоқда.

Юбилей кунигача қолган бир ҳафта ичида шаҳар Советининг фаолиятига боғлиқ жойлар ва бинолар обод қилинади, ёдгорлик белгилари ва ёдгорлик лавҳалари ўрнатилади. Пролетар кўчасида М. Горький номли парк дарвозаси олдида ёдгорлик қуришга қарор қилинди. Бу ёдгорликка Тошкент шаҳрининг пролетариатини Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида Бутун Россия Марказий ижроия комитети президиуми қарорининг тексти ўйиб ёзилади.

Хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси ва телестудия юбилейга бағишлаб қисқа метражли ленталар тайёрламоқда. Шаҳар корхоналари ана шу унутилмас санага атаб чиройли қилиб безатилган ва ўралган хилма-хил буюмлар, сувенирлар тайёрлаб чиқаради.

Тошкент Советининг 50 йиллигини байрам қилиш кунларида шаҳар ёшлари ва меҳнаткашларининг вакиллари ўн тўрт Туркистон комиссари ёдгорлиги ёнига борадилар ва ўртоқлар мозорларини зиёрат қиладилар.

(ЎзТАГ).

КОЛЛЕКТИВ АҲДИ

«Ташхимсельмаш» заводи коллективи беш йилликнинг иккинчи йилида тағин ҳам ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Корхона аҳли эришаётган муваффақиятга айниқса 2-механика цехи ишчилари катта ҳисса қўшмоқдалар. Цех асосан запас қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган ойларда кўплаб запас қисмлар тайёрланиб колхоз ва совхозларга жўнатилди. Биргина январь ойида пландаги 3 минг комплект ўрнига 3,5 минг комплект запас қисмлари тайёрланилди.

Шу кунларда цех ишчилари юбилей шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақага кўшилиб, муваффақиятлар қўламини тағин ҳам кенгайтирмоқдалар. Т. Султонов, Х. Нуруллин, А. Ҳайриддинов каби пешқадам ишчилар мусобақанинг олдинги сафларида келмоқдалар. Улар смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

М. УСМОНОВ.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР
МАҚОЛАЛАР
ВОҚЕАЛАР



Венгрия Халқ Республикасида кейинги бир неча йил мобайнида сунъий ипак ишлаб чиқариш 8 баравар ортди. Бутун маҳсулотнинг ярми ҳозир экспорт қилинаяпти. Ньергешуйфалу шаҳрида яқинда ишга туширилган сунъий ипак фабрикасининг қуввати тобора ўсиб бораяпти. Суратда: шу фабриканинг янги цехи. МТИ—ТАСС фотоси.

ВЬЕТНАМНИНГ ҚАҲРАМОН ЁШЛАРИ

ХАНОЙ, ТАСС мухбири **Е. Кобелев** хабар беради:

Вьетнамнинг ёш авлоди ўтган икки йил ичида мамлакат шимолида социализм қурилишида ва Америка агрессиясига қарши курашда революцион шижоат ва қаҳрамонликнинг мисли кўрилмаган намуналарини намойиш қилди. Вьетнам Меҳнаткаш Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг яқинда Ханойда бўлиб ўтган XI пленуми қатнашчиларининг якдиллик билан чиқарган хулосаси ана шундай.

Вьетнам Меҳнаткаш Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ву Куанг пленумда союзнинг кейинги икки йил ичидаги фаолияти тўғрисида ва 1967 йилдаги вазифалар ҳақида ҳисобот доклади қилди. Ву Куангнинг докладида ва унинг доклади юзасидан бўлган музокараларда Вьетнам ёшларини америка агрессиясига қарши умумхалқ курашида актив қатнашиш учун сафарбар қилишда союзнинг роли ва аҳамияти ўсганлиги таъкидланди. АҚШга қарши, ватанни қутқазиб қолиш учун кураш қаҳрамонлари ва зарбдорларининг ярим йил арафасида ўтказилган съездида ёшлар союзи аъзоларидан 44 киши Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамонлари ва меҳнат қаҳрамонлари номини олишга сазовор бўлди.

Ўтган икки йил ичида Вьетнам Меҳнаткаш Ёшлар Союзи—Вьетнам ёшлари авангардининг сафлари қарийб икки баравар ўсди ва ҳозирги кунда унинг сафларида 1 миллион 800 минг киши бор.

Вьетнам Меҳнаткашлар Партияси Марказий Комитетининг секретари То Хиу пленумда нутқ сўзлаб, Вьетнам Меҳнаткаш Ёшлар Союзи эришган муваффақиятларга ва Вьетнам ёшларининг ўз халқи бажараётган революцион ишга қўшаётган жуда катта ҳиссасига юксак баҳо берди.

ГЕНЕРАЛ ГАБАЛЬДОН: ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ—СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН БИРГА

КАРАКАС, 23 март. ТАСС мухбири **СЕРВАНДО ГАРСИА ПОНСЕ** хабар беради:

Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзоси, Венесуэла миллий тинчлик кенгашининг раиси генерал Хосе Рафаэль Габальдон шундай деди: мен Совет Иттифоқини ва унинг Октябрь Социалистик революцияси амалга оширилгандан кейин буюк давлатни барпо эта олган улуғ халқини чин қалбимдан севаман. Бу йил бутун инсоният Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини нишонлайди.

Генерал Габальдон ТАСС мухбири билан суҳбатда айтдики Октябрь Социалистик революцияси замонамизнинг энг муҳим воқеасидир. Бу революция қолоқ мамлакатни илғор мамлакатга айлантирди. Шунинг учун ҳам бутун дунё ғалабадан 50 йил кейин уни олқишламоқда.

Габальдон тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига Совет Иттифоқи қўшаётган улкан ҳисса тўғрисида гапирди.

Совет Иттифоқи, деди у, бутун дунёнинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Бу мамлакатда бутун халқнинг саломатлиги, фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда. Бизлар шунга тўла ишонамизки, эртами-кечми социализм бутун дунёда ғалаба қилажак.

Мен Совет Иттифоқи халқини ва ҳукуматини қизғин табриклайман. Совет Иттифоқидаги барча кишиларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги билан қутлайман. Улар шунга амин бўлсинларки, бизлар ҳамиша улар билан биргамиз, бизлар уларга қойил қолмоқдамиз ва улар билан бирга қадам ташлаётган миллионлаб дўстлари каби, уларни севамиз, деди сўзининг охирида Габальдон.

ПОКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

РАВАЛПИНДИ, 23 март. (ТАСС). Покистоннинг муваққат пойтахти Равалпинди бугун миллий байрам «Покистон куни»ни катта ҳарбий парад билан нишонлади.

Покистон президенти Аюбхон парад қатнашчилари олдида нутқ сўзлаб, бундай деди: фақат тинчлик ва дўстликкина мамлакат тараққиётига, барча миллий ресурсларни сафарбар қилиб, улардан фойдаланишга ёрдам бера олади. Барча халқлар билан дўст бўлиш ва барча мамлакатлар билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш, — деди Аюбхон, — Покистон ҳукуматининг сиёсатидир.

Аюбхон «Покистон куни» муносабати билан халққа қилган ва Покистон радиоси орқали эшиттирилган мурожаатида қуйидагиларни айтди: халқнинг турмуш даражасини ошириш, маориф системасини яхшилаш, Покистоннинг ва бутун дунёнинг хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш — мамлакатнинг энг муҳим вазифасидир.

Байрам намойишлари Лаҳор, Пешавар, Карочи, Даккада ва Покистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

ДЕМОКРАТ ЮРИСТЛАРНИНГ МУРОЖААТИ

ПАРИЖ. Демократ юристлар халқаро уюшмасининг Шимолий Вьетнамдаги делегацияси Нобель тинчлик мукофоти лауреатларига мурожаат қилиб, Америка жамоатчилигини Вьетнамдаги аҳволдан хабардор қилишда ўзларининг маънавий обрўсидан фойдаланишга чақирди.

Биз сизларни, дейилади мактубда, «Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни дарҳол ва сўзсиз тўхтатишни талаб қилишга» чақирамиз.

Англия, Франция, Бельгия, Монголия Халқ Республикаси, Чили ва бошқа мамлакатларнинг таниқли юристларидан иборат делегация аъзолари Хайфон ва Хонгай шаҳарларида бўлдилар ва у ерда Америка самолётларининг бомбардимон қилиши натижасида вайрон бўлган уй-жой кварталларини, ўлдирилган ва яраддор қилинган кишиларни ўз кўзлари билан кўрдилар. (ТАСС).

ХАТАРЛИ ҚАДАМ

ВАШИНГТОН, 23 март. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Раск президент Жонсон номидан матбуот учун берган махсус баёнотида Таиланд ҳукумати ўз мамлакати территориясида Америка нинг «В-52» оғир бомбардимончи самолётларини жойлаштиришга қарор қилганлиги учун унга миннатдорчилик изҳор қилди. Раскнинг айтишича, Таиланддаги базалардан фойдаланиш «Американинг Вьетнамдаги ҳаво операцияларининг самарадорлигини анча оширади».

Шундай қилиб, Раск «В-52» бомбардимончи самолётларининг Таиландга жойлаштирилиши Вьетнам ватанпарварларига қарши урушни янада кучайтиришга олиб келишини деярли очиқдан-очиқ тан олди.

ХЭМФРИНИНГ ЕВРОПАГА САФАРИ

ВАШИНГТОН, 23 март. (ТАСС). АҚШнинг вице-президенти Хэмфри 26 мартдан 9 апрелгача Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилади. У Женева, Гаага, Бонн, Рим, Лондон, Берлин, Париж ва Брюсселга боради. Хэмфри шунингдек, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда Канададаги америка элчиларининг Боннда чақириладиган конференциясида иштирок этади. Хэмфри Париж ва Брюсселда НАТО ва Европа иқтисодий ҳамжамияти вакиллари билан, Женевада эса қуролсизланишга бағишланган конференцияда қатнашувчи Америка вакиллари ва «Кеннеди руанди» музокараларида қатнашувчи АҚШ вакиллари билан учрашади.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

ИРҚЧИЛИККА ҚАРШИ

БАМАКО. Судан Иттифоқи партияси миллий сиёсий бюросининг аъзоси Габу Диавара ирқий камситишни тугатиш учун нураш халқаро нунга бағишланиб ўтказилган митингда нутқ сўзлаб шундай деди: «бизнинг Судан Иттифоқи партиямиз империализмга қарши сиёсатга доимо содиқ бўлиб, ирқий камситишнинг ҳамма шакл ва кўринишларига қарши чиқмоқда». Мали республикаси ҳукумати, деди Габу Диавара, ирқчи ҳукуматлар бўлган Португалия, Родезия ва Жанубий Африка республикасидаги ирқий ҳукуматларга қарши сиёсий ва иқтисодий жазо чораларини амалга оширмоқда.

* * *

АДДИС-АБЕБА. Ирқий камситиш ва апартеид сиёсати халқларнинг озодликка бўлган ҳуқуқларини инкор этади ва энг элементар инсоният ҳуқуқларини бекор қилади, деди Африка Бирлиги Ташкилоти бош секретарининг ўринбосари М. Сахмун.

Сахмун ирқий камситишни тугатиш учун нураш халқаро куни муносабати билан Эфиопия радиоси орқали нутқ сўзлаб, жаҳондаги барча мамлакатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жанубий Африка Республикасига қарши қаратилган иқтисодий, дипломатик, сиёсий ва ҳарбий жазо чораларини қатъий амалга оширишга чақирди.

ҲАМЖИХАТЛИК МАҚСАДЛАРИ ЙЎЛИДА

БРАЗЗАВИЛЬ. Бу ерда Конго информация агентлиги билан Корея Халқ Демократик Республикасининг телеграф агентлиги ўртасида информация айирбошлаш тўғрисида битим имзоланди. «Конго революцияси овози» радиоси билан Пхеньян радиоси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳам битим имзоланди.

АГРЕССОРЛАРГА ЁРДАМ

НЬЮ-ЙОРК. Таиланд ҳукумати Американинг Вьетнамдаги ҳарбий ҳаво кучларига Жанубий Таиланддаги Утапао базасини беришга қарор қилганлигини эълон қилди. «АҚШ ҳукуматининг илтимосига биноан» ана шундай қарор қабул қилинди.

СЕНЕГАЛ ПРЕЗИДЕНТИГА СУИҚАСД

ДАКАР. Сенегал президенти маҳкамаси президент Л. С. Сенгор ҳаётига суиқасд қилишга уриниш тўғрисида расмий хабар берди. Президент мусулмонларнинг табасни деган диний байрами муносабати билан Дакардаги катта мачитдаги номозда ҳозир бўлган вақтда, дейилади хабарда, ҳозир номи аниқланган шахс президент кетига тушган эди. Тўппонча билан қуролланган бу киши президентга қараб ўқ узишга улгурмасданоқ, тартибни сақлаш хизмати ходимлари уни ушлаб олдилар.

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 23 март (ТАСС). Камбоджанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Америка ва Жанубий Вьетнам ҳарбий ҳаво кучлари Камбоджанинг осмон чегарасини тинмай бузаётганлигига қарши кескин норозилик билдирди.

Ҳавфсизлик кенгаши раиси номига йўлланган ва бугун ҳавфсизлик кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган мактубда Америка ва Жанубий Вьетнам қуролли кучларининг самолётлари ва вертолётлари 1966 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Камбоджанинг осмон чегарасига 170 мартадан кўпроқ бостириб кирганлиги айтилади.

Камбоджа ҳукумати, дейилади мактубда, Америка ва Жанубий Вьетнам ҳарбий ҳаво кучлари Камбоджа территориясининг дахлсизлигини кўпол равишда бузаётганлигига қарши қаҳр-ғазаб билан кескин норозилик билдиради ва АҚШ ҳамда Жанубий Вьетнам ҳукуматларини бундай ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш учун зарур чоралар кўришга чақиради.

ЛОНДОНДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛАДИ

ЛОНДОН, 23 март. (ТАСС). 6 августдан 24 августгача Лондонда совет савдо-саноат виставкаси ўтказиш тўғрисида кеча бу ерда битим имзоланди.

Виставка Англия пойтахтининг энг йирик «Эрл корт» виставка залида очилади. Виставкада ишлаб чиқариш воситалари, шунингдек, истеъмол товарлари намойиш қилинади.

Виставкани Бутуниттифоқ савдо палатаси, Британия савдо палаталари уюшмаси ва русбритан савдо палатаси уюштиради.

УРУШ АВЖ ОЛДИРИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 23 март. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири ҳабар беради: Америкадаги расмий кишиларнинг фикрича, Американинг «В-52» типидаги стратегик бомбардимончи самолётлари Шимолий Вьетнамга «зарба бериш учун» яқин 4 ҳафта ичида Гуам оролидан Таиландга юборилади.

Ҳозирги вақтда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг 14 эскадрильяси Таиланддаги 7 аэродромда жойлашган. Американинг Таиланддаги учувчилари ва самолётларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг умумий сони қарийб 25 минг кишини ташкил этади.

ПОРОДОМ СИАНУКНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПНОМПЕНЬ, 23 март. (ТАСС). Нородом Сианук Америка разведка органлари Камбоджа мустақиллигига қарши ва унинг ўзига қарши фитна тайёрлаётир, деб бу органларни айблади. Давлат бошлиги бу маълумотларни Камбоджанинг дўстларидан бири — бетараф мамлакат гражданидан олганлигини айтди. Сайгонда ишловчи бир американлик шу тўғрида ана шу бетараф мамлакатнинг гражданига сўзлаб берган. Сианук ўлимдан қутулиб қолишни истаса деган ана шу американлик, ўз мамлакатининг снёсатини ўзгартириши ва биз билан ҳамкорлик қилишга рози бўлиши керак.

Шу муносабат билан Сианук бундай деди: Камбоджа мустамлакачиликнинг ҳар қандай формасини доим рад этади ва ўз снёсатини Қўшма Штатларнинг ёки бошқа бирон мамлакатнинг снёсатига мослаштиришдан доим воз кечади.

Камбоджа халқи, деб таъкидлади давлат бошлиги, америкаликларнинг ўз хоҳишини Камбоджага мажбуран қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қарши охиригача кураш олиб боради.



КАНАДА. Монреаль шаҳрида бу йил Бутун жаҳон виставкаси очилади. Суратда: Канаданинг пўлат индустрияси павильони. ТАСС фотохроникаси.

НАВРЎЗИ ОЛАМ

Ўзи шеърият-ку бу оқшом, бу тонг,
Баҳор қандоқ сиғар шоир назмига.
Сершира табиат гўё уриб бонг:
— Марҳабо! — демоқда лола базмига.
Кўклам деб аталган бир соҳибжамол
Тўрғайдек сайрайди қулоқларимга.
Билмайман қаердан опкелар шамол
Илк бўса тотини дудоқларимга.
Ўтлар гиламига кўксимни бериб,
Майсалар тилидан тишлаб оламан.
Қуёш ҳам шабнамлар инжусин териб,
Бир шўхлик қилгандай, ҳайрон қоламан.
Ўрик гулларига қўниб бол ари
Менга май тутгали шарбат сўради.
Офтоб мисоли Она сингари,
Барча фарзандларин бирдек кўради.
Нилий осмонга боқсам бир нафас
Ҳаёлда оразинг бўлур намоён.
Кўкатлар, япроқлар — шивирлаган сас
Дилимга бахш этар қувонч бир жаҳон.
Ўзи шеърият-ку ҳар лаҳза, ҳар дам
Баҳор қандоқ сиғар шоир назмига.
Ешликнинг рамзи чин наврўзи олам:
— Марҳабо! — демоқда гуллар базмига.

Ҳамид НУРИЙ.

ЛИРИК ШЕЪРЛАР

БИНАФША

(БАҲОР НАФАСИ)

Қиз кўксида муаттар ҳидлар,
Яна баҳор, яна бинафша.
Лекин хотирамда оппоғим,
Таниш боғлар, биз девор оша —
Ҳазил қилиб, шўхликка тўлиб —
Бинафшалар терган чоғимиз.
Бир йил ўтди худди нечадай
Доим шоддир, дил-димоғимиз.
Юзларингга боққан нозлари
Ҳар баҳорни эслайман, эркам,
Баҳор келди, чинакам баҳор.
Баҳор билан ҳаёт ҳам қўрқам,
Йиллар ўтар, туташар йиллар
Бинафша сен ҳамиша гўзал,
Илк баҳорнинг элчиси ўзинг
Шаънинг учун уланар ғазал.

ЛОЛА ҲАВОСИ

Лола фасли, гул фасли
сайр қилгуси қизлар,
Бахтли ёшлик баҳори
эркалаган дамлар бу.
Юракка ором берар
бу ажойиб хуш нозлар
Лоладай ғунча лабда
шўхликка туташ нулгу.
Адрларнинг, қирларнинг
ҳусни — алвон ранг чаман
Лолалар аксимнан
қизлар юзининг нақши?
Ватанимнинг ҳар ери
нур тўла гўзал, гулшан
Бир умр бу чаманнинг
булбули бўлмоқ яхши.

ҒУНЧАЛАР

Ғунчаларга тинилдим узоқ,
Лабларингни кўрмоқни истаб.
Юрагимнинг гурури тўлиб,
Гул кўрмоқни жуда ҳам қистар,
Гул очилсин қип-қизил гуллар
Лола фасли етиб келгандай,
Инсон умри қувончга тўлар
Эртасини равшан билгандай.
Гуллар ичра — лаълли лаблардай
Ташланади кўзга қизил гул.
Ҳаётдаги илк тилаклардай
Сени кўриб қувонади дил.
Қизил гуллар очилсин тезроқ,
Булбул келсин унинг қошига.
Гул ҳидларин қумсайди кўнгил
Боқиб ҳаёт эрк қуёшига.

Юсуфжон ҲАМДАМ

Г У Л

Мубтало қилган мени гул гашти кўклам ойидир
Ердан унган ҳар гиёҳнинг ўзга — зеб оройидир
Қир келинчакдек ясанган, лола-гул таққан дала,
Зебу-зийнатга табиат мунча ўктам бойидир.
Эслатур гул-лолалар гул-лола юзлик дилбарим,
Ишқим айтсам андалибдек гулга не парвойидир.
Гулми ёки ерга тушган гул узорлар аксими,
Иўқса нечун гул-чечаклар хилма-хил анвойидир.
Демангиз Деҳқоний ёлғиз гулга ошиқ мубтало
Менми бир олам ҳама гул фаслига шайдойидир.

ДЕҲҚОНИЙ.

БАҲОР.

В. Сироткин фото-этюди.

ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ

«ҚОРА ОЛТИН» КОНЛАРИДА

Йирик кўмир разрезининг кончилари Октябрь юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаяптилар. Разрез коллективи юбилей йилининг иккинчи ойи планини 101,6 процент қилиб бажарди. Март ойи ҳисобига эса, 4 эшелон кўмир истеъмолчиларга жўнатилди.

Алексей Мишченко раҳбарлигидаги 1-участка кончилари ҳаммага намуна бўляпти. Ҳўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтган участка меҳнатсеварлари ўз топшириқларини доимо ошириб бажаришяпти.

БАҲОР СУВЛАРИ

Тошкент воҳаси Оҳангарон ва Чирчиқ дарёларидан сув ичади. Бу қиш тоғларга кўп қор ёғди. Баҳор ҳам серёмғир бўлиши кутиляпти. Табиийки, бундай шароитда дарёлар суви тошиб, қирғокларидан чиқиб кетади.

Қурувчилар сершовқин сув йўлларини тўсиш учун тараддуд кўрмоқдалар. Оҳангарон шахта қурилиш-монтаж бошқармасининг А. Шефер бошчилигидаги участка қурувчилари Оҳангарон дарёсида 2 минг кубометрдан ортиқ тошни дамбаларга ётқизидилар. Ҳадемай, бу иш тўла тугалланади.

«ТУЛА» КОМБАЙНИ БИЛАН

9-шахтанинг механизациялаштирган участкаси кончилари февраль ойида пландан ташқари 2870 тонна «қора олтин»ни ўз истеъмолчиларига жўнатдилар. Участкада «Тула» комбайни айниқса яхши иш бермоқда. Бу қудратли машинани пухта эгаллаган кончилар ўз кунлик топшириқларини мунтазам равишда ошириб адо этмоқдалар.

ЮБИЛЕЙ КВАРТАЛИ

Шаҳарда бирин-кетин турар-жой кварталлари қад кўтараяпти. Яқиндагина қурувчилар янги 44-кварталнинг дастлабки уйлари учун замин қўйдилар.

Шу ойнинг бошларида эса, 40 хонали турар-жой биносида ҳовли тўйлари ўтказилди. Янги уйга кўчиб кирган оилалар Куртасанов бошчилигидаги қурилиш бригадаси аъзоларидан ғоят миннатдор бўлмоқдалар. Негаки, бинокорлар жуда қисқа муддатларда шу уйни қуриб битказдилар. Март ойининг охирида эса, яна бир 40 квартирали уй калитлари оҳангаронликлар қўлига топширилади.

Юбилей йилида оҳангаронликлар яна еттита ана шундай кўпхонали уйларга кўчиб киришади.

А. ПЕТРОВ.

ТОШДАН ГУЛ

Тошкентимизга ҳуснбўлган қайси бир ҳашаматли бинони олманг, уларнинг ҳаммасида оқиш, новватранг Ғозғон мармари ёки кулранг Самарқанд мармарини кўрасиз. Бу мармардан жило берилган қатор иморатлар, «Тошкент» меҳмонхонаси, тунелларнинг ярақлаши кўзингизни олади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги йирик биноларнинг жилоси ҳам бизнинг мармаримиздан. Ҳатто Ленинграддаги иморатларга ҳам Тошкент мармар заводида ишланган кўркам ва чидамли мармар плиталар олиб кетилаётир.

Бу заводда қўли гул кишилар ишлайди. Уларнинг меҳнатини тошларни йўнган азамат Фарҳод меҳнатига қиёс этиш мумкин.

Қўчқорвой Расулов ана шу Фарҳодларнинг саркони. У 23 йилдан бери шу ерда мармар йўнади. Катта тошлар аввал Қўчқорвой ака қўлига келиб тушади. Эҳ-е, бу қўллардан қанчадан-қанча мармар ўтмади, дейсиз. Қўчқор аканинг абжир ҳаракати, Фарҳоддек гавдасини кўриб 65 ёшга борганига ишонмайди, киши. Ҳамон паҳлавон йигит ғайрати билан ишлайди. У бошқарадиган электр арра улкан тошни бир йўла 40 та плитага ажратади. Қўчқорвой ака оққум ва корборунд чиқиндисини аралаштириб аррага ташлаб туради. Арра тишлари «куч олиб» метин тошни текис кесаверади.

Мармарга пардоз берувчи Роҳат Қоунбоева ҳам илғорлардан. У сменада 4,5 квадрат метр ўрнига 7—8 квадрат метр мармар плитага пардоз беради. Косметиклар зеболик бериш учун қанчалик диққат қилса, бу аёл ҳам пардозлаш станогини шундай эътибор билан ишлатади. Шу сабабли ҳам унинг қўлидан чиққан плиталар ойнадай ярақлайдики, аксингиз кўринади.

Мармарга ишлов бериш вақтида плита синиқлари, майда-чуйда тошлар кўп чиқади.

— Лекин булар чиқинди эмас,— дейди бош инженер Воҳид Миробидов,— заводда заррача ҳам тош ташлаб юборилмайди. Улар мозаика цехининг хом ашёси. Синган плиталар, бурдаланган тошлардан ранг-баранг гулли плиталар қуйилади.

Зилзиладан сўнг қурилиш ишлари бекиёс кенгайиб кетгач, завод маҳсулотига бўлган эҳтиёж жуда ортди. Ҳозир корхона складида тайёр маҳсулот бир кун ҳам туриб қолмайди. Буюртмачилар бу қимматбаҳо қурилиш материалларини цехларнинг ўзиданоқ олиб кетмоқдалар.

Ҳа, яқин-яқинларгача Тошкент қурилишига ишлатиш учун Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан пардозли мармар плиталар ва гранит маҳсулотлари олиб келинар эди. Эндиликда ўлкамизнинг битмас-туганмас қимматбаҳо тошларидан жонажон шаҳримизнинг кўркини очиш, уни обод этишда фойдаланилмоқда.

Завод коллективи юбилей йилида 8 минг квадрат метр мармар, 2 минг квадрат метр гранит плиталар, 24 минг квадрат метр мозаика плитаси ва 75 минг метр гулли мармар поли етказиб беришга аҳд қилган.

Лекин, бу талабни тўла қондира олмайди. Тошкент жадал обод бўлмоқда, шаҳримизга салобат ва чирой берувчи бинолар, мангулик белгиси бўлган ҳайкаллар, эсдалик обидалари кўплаб қурилмоқда. Булар учун эса, мармар керак.

Мармарга бўлган эҳтиёжни таъмин этиш учун Бўстонликда янги завод қурила бошланди. Бу корхона ишга тушгач, ҳозиргидан қарийб 3 баравар кўп қувватга эга бўлади. Ана шунда чидамли ва ҳусндор мармар тошлар шаҳримизни кўпроқ безайди.

С. МУСАЕВ.

Суратларда: 1. Илғор ишчи ахмад Абдуллаев иш устида. Роҳат Қоунбоева мармарга пардоз бераяпти. 2. Фрезерчи Мир-А. Абалян фотолари.

СПОРТ

ХОККЕЙЧИЛАРНИНГ РЕКОРД ҲИСОБИ

Венадаги хоккей бўйича жаҳон чемпионатида кураш тобора қизғин тус олмоқда. Совет хоккейчилари олтин медаль учун энг биринчи даъвогар бўлиб туришибдилар. Улар тўртинчи учрашувни Германия Федератив Республикаси командаси билан ўтказдилар.

Учрашувнинг иккинчи минутидаёқ ҳимоячи Кузькин рақиб дарвозасига шайба ташлаб, ҳисобни очади. Шундан кейин Ғарбий Германия командаси дарвозасига шайбалар дўлдек ёғилиб кетди. Учрашув охиригача совет хоккейчилари рақибларини 16 марта ўйинни марказдан бошлашга мажбур қилишди. ГФР командаси атиги бир марта жавоб голи киритди.

Совет хоккейчилари тўрт ўйиндан 8 очко тўплаб пешқадамлик қилмоқдалар. Киритилган ва ўтказиб юборилган шайбалар айирмаси ҳам жуда яхши: 43—5!

Шу куни Чехословакия хоккейчиларининг омади юришмади. Улар Финляндия командасига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Бу билан чемпионликка даъвогарлик қилаётган Чехословакия командасининг аҳволи анча мушкуллашиб қолди.

Совет хоккейчиларига олдинда жуда масъулиятли учрашувлар кутмоқда. СССР терма командаси ҳал қилувчи ўйинларни Швеция, Канада ва Чехословакия хоккейчилари билан ўтказади.

«БОЙЧЕЧАК» ПОЙТАХТ ДИНАМОЧИЛАРИДА

«Советский спорт» газетасининг мукофоти учун ўтказилган баҳорги футбол мусобақасида Москванинг «Динамо» командаси биринчи ўринга чиқди. Ўтган куни Тбилиси шаҳрида ўтказилган финал ўйинда динамочилар Тбилисининг «Торпедо» командасини 1:0 ҳисобида ютдилар Ягона тўпни москвалик лар чап қанот ҳужумчиси В. Ларин киритди. Шундай қилиб, «Бойчечак» совринни пойтахтга қараб йўл олди.

Иккинчи ўринни Кутаисининг «Торпедо» командаси эгаллади. «Қайрат» учрашувга келмаганлиги сабабли учинчи ўрин унинг рақиби — Бокунинг «Нефтяник» командасига берилди.

ҲИММАТЛИ АЁЛ

Нуриниса опа кўп вақтдан буён Тўйтепадаги кийим тикиш ательесида ишлаб келар эди. Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар, деганлари ҳақ экан. Нуриниса опа ўзининг ҳалол, самарали меҳнати билан коллектив орасидагина эмас, балки районда ҳам танилди. Халқ Нуриниса опага катта ишонч билдириб уни қишлоқ Советига депутат қилиб сайлади. Ҳозир Нуриниса опа Ангор қишлоқ Совети раисининг ўринбосари. Лекин Нуриниса опа ўз севимли касбини унутгани йўқ, балки бошқа аёлларга ўргатишга жазм қилган. Унинг ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозда бичиш-тикиш курси очилди. Курсга Нуриниса опанинг ўзи бошчилик қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ колхоздаги 40 га яқин аёл бичиш-тикиш ишларининг нозик сирларини ўрганиб олишди. Улар ҳинматли Нуриниса опа Мавлоновадан миннатдорлар.

А. РАЗЗОҚОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ИЛОН ТУТАРЛАР

Қоҳирадан 15 километр нарида жойлашган Абу-Раваш қишлоғини кўп олимлар яхши билишади. Гап шундаки, бу қишлоқ аҳолиси ярим асрдан буён жуда хавфли антиқа иш билан шуғулланиб кун кўради. Масалан, ака-ука Абу Оам ҳар ҳафтада 200 тача заҳарли илонни тутиб, ўлжани Қоҳира, Александрия ва бошқа манфаатдор муассасаларга топширади. Улар ўз «мол»ига ҳақ олиш билан бирга, соғлиқни сақлаш министрлиги берадиган мукофотларга ҳам эга бўладилар.

Абу-Раваш қишлоғига олимлар, врачлар тез-тез келиб туришади. Улар маҳаллий аҳоли илон-чиёнларнинг чақишидан парво қилмаслиги сабабини тушинишга ҳаракат қилишади. Қишлоқда доимо юзлаб заҳарли илонлар ва чиёнлар ўрмачилаб юрса-да, унинг чақишидан ҳеч ким зиён кўрмаган.

ФИЛЛАР ҚУРГАН ҲОВУЗЛАР

Филлар чўмилишни яхши кўради. Улар «сув процедуралари» қабул қилиш учун ўзлари ҳовузлар қуришади.

Филлар бунёдга келтирган шундай ҳовузлардан бири Африкада Мучинг Рейж деган жойдадир. Филлар бу ердаги ариқчаларда чўмилишни яхши кўрарди. Ариқчалардан ҳосил бўлган табиий чуқурликдан сув чиқиб кетадиган жойга филлар шох-шаббалар босишади, тошларни олиб келиб ташлашади. Сув сатҳи қарийб бир ярим метрга кўтарилади.

ЮРАК ҚАНДАЙ УРАДИ

Катта ҳайвонларда модда алмашинуви кичикларникига қараганда секин бўлади, шу туфайли уларнинг юраги ҳам секинроқ уради. Масалан, фил ўртача 3000 килограмм келади, унинг юраги эса минутига 46 марта уради. Отнинг оғирлиги 380 килограмм, пульси минутига 55 та, итнинг оғирлиги 6,5 килограмм, пульси 120 марта, 22 грамм келадиган кўкқушнинг юраги эса 697 марта уради.

ЯНА ЕР ҚИМИРЛАДИ

Тошкент яна нотинчланиб қолди. Кеча соат 13 дан 04 минут ўтганда ер 6—7 балл куч билан қимирлади. Шундан сўнг «Тошкент» сейсмик станцияси приборлари 13 дан 07 минут ўтганда ернинг 2 балл, 13 дан 19 минут ўтганда 3 балл, 13 дан 21 минут ўтганда 2 балл-дан камроқ ва 13 дан 44 минут ўтганда 5-3 балл куч билан силкинганини қайд қилди.

«ТЕЗ ЁРДАМ» ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР

Шаҳар «тез ёрдам» станцияси ходимлари Тошкент аҳолисига тез ва кечиктириб бўлмас медицина ёрдами кўрсатмоқдалар.

Станцияда 80 та машина доимий ишлаб туриши. 50 та машинада врач, фельдшер ва ҳамшираллар аҳолига «тез ёрдам» кўрсатади, қолган 30 та машинада фельдшер ва ҳамшираллар касалларни уйдан ва поликлиникалардан район врачларининг заявкалари билан касалхона ва туғруқхоналарга жойлаштирадилар.

Тошкент «тез ёрдам» станциясида 300 дан ортиқ малакали врач ишлайди. Улар орасида медицина фанлари қандидатлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари бор.

Шаҳарнинг ҳар бир районида подстанциялар жойлашган бўлиб, бу подстанцияларда маълум миқдорда машиналар ишлайди. Бу машиналарнинг кўпчилиги телефонлаштирилган. Подстанциядан телефон орқали истаган машинага хабар берилса, ёрдам сўраб мурожаат қилинган кишига зудлик билан кўмак кўрсатилади. Ёрдам станцияси уйда, кўчада, ишхонада, меҳмонхона ёки ётоқхона ва бошқа ҳамма жойларда, бахтсиз ҳодисалар юз берган ва ҳаётга хавфли даражада тўсатдан бетоб бўлиб қолган ҳолларда хизмат қилади. Айрим кишилар эса, оила аъзоларининг сал иситмаси чиқиб қолса, ёки бошқа оғриса ҳам «тез ёрдам»га мурожаат қиладилар. Баҳоланиқ улар поликлиникаларга мурожаат қилишлари ва навбатчи врачларни чақиришлари керак.

Шаҳар «тез ёрдам» станцияси Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳар станциялари билан доимий алоқада бўлиб туради, бу коллективлар бир-бирлари билан ўзаро тажриба алмашишади.

Булардан ташқари станция хузурида зарур бўлиб қолган тақдирда дарҳол операция қиладиган махсус марказ ҳам борки, бу ерда малакали хирурглар, врачлар навбатчилик қилишади.

Шифокорлар малакаларини ошириш устида ҳам тинмай изланадилар, ўқийдилар. Профессорлардан С. Масумов, О. Павлова, Я. Гордон, Т. Раҳимжонов, М. Ҳамидова ва бошқа олимлар станцияга тез-тез келишади, лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Аммо булар билан бирга станциямизда ҳали айрим камчиликлар ҳам борки уларни зудлик билан бартараф этишга, аҳоли талаби даражасида ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Ф. КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳар «Тез ёрдам» станциясининг бош врачи, Узбекистонда хизмат кўрсатган врач.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Ғалонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.55—**Эшиттиришлар программаси**, 11.00—**Бош астроном** (болалар учун мультфильм), 11.20—**Ҳамма нарсани билишни истайман** (болалар учун), 11.50—**Хаёлпарастлар** (бадиий фильм).

Рус тилида: 13.00—**Бобонинг саргузашти** (болалар учун кинофильм. 13.10—**Капитан Теннеш** (телевизион бадиий фильм), 14.00—**Гатчина парки** (илмий-оммабоп фильм).

Ўзбек тилида: 16.55—**Эшиттиришлар программаси**, 17.00—**Кинофильм** (болалар учун), 17.10—**Телевизион қўғирчоқ театри** (болалар учун), 17.40—**Телевизион янгиликлар**, 17.55—**Ғўзал Фарғонам** (ярим аср йиллномаси), 18.20—**Гулистон** (телефильм),

18.50—**Телевизион янгиликлар** (рус тилида).

19.00—**Телеминнатхўрлар театри** («Ёшлик» студияси).

20.00 дан—**Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 16.55—**Эшиттиришлар программаси**, 17.00—**Кинофильм** (болалар учун), 17.20—**Пошехон ёзи** (ҳужжатли фильм), 17.40—**Ундан ўн иннигача** (телефильм), 18.10—**Телевизион янгиликлар**, 18.20—**Концерт** (Ленинград санъат усталари).

19.00—**Москва кўрсатади.**
Тошкент кўрсатади

Ўзбек тилида: 20.00—**Замондош** (телеочерк), 20.15—**Телевизион янгиликлар**, 20.25—**Қўшиқлар**, 21.05—**Бировнинг номида** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—25/III да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Спартак**, 26/III да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Зулматдан знё.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—25/III да кундуз **Оқ набутар**, кечқурун **Ўғирланган умр**, 26/III да кундуз ва кечқурун **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—25/III да **Ўғил уйлантириш**, 26/III да кундуз **Махтумқули**, кечқурун **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—Катта цирк томошалари. **Ҳиндистон филлари аттракциони.**

КИНО

Судхўрнинг ўлими — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ФЕСТИВАЛЬ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 2, кеч 6 ва 10 да).

Севиш таниқланади—«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Усталар шаҳри—«ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 йиллиги» (эрталаб 10 да).

Ночорлик—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Бебер-саёҳатчи—«МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Тепамиздаги осмон—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Уч баҳалоқ—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

«Шантеклэр» маликаси—«ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда) ва кеч 9-40 минутда.

Амакимнинг туши—СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

1967 йил 8 апрель кундуз соат 12 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника фанлари бўлимининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг конференц-зали, Я. Колас кўчаси, 28-уй) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун.

А. Н. Набиев «Отилиб тушаётган сув оқими ҳосил қиладиган маҳаллий ювилиш чуқурлигини аниқлаш» деган темада.

М. П. Сальников «Ёпиқ суғориш системаларида сув сарфини ўлчаш ва режага солишни автоматлаштириш соҳасидаги баъзи масалалар» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ АППАРАТИГА ва ТОШКЕНТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН

Алоқа инженерлари, иқтисодчилар, бош бухгалтер ўринбосари, электромеханик ва алоқа монтёрлари, телеграфчилар, телефонистлар, почта вагони **бошлиғи ва бошлиқ ёрдамчилари,** почта алоқаси **операторлари,** юбориладиган почталарнинг **сортларга ажратувчилар, электромонтёр - кузатувчилар, матбуот почта ва телеграммаларни етказиб** берувчи **почтальонлар,** юқорида кўрсатилган **ихтисосларга ўргатиш учун шогирдлар**

КЕРАК.

Иш ҳақи мунофот тариқасида тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Толстой кўчаси, 12-уй, кадрлар бўлими.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р.00775.
ИНДЕКС 64970.
А. — 1827.